

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Бойқўзиев Х.Х. – Самарқанд давлат
тиббиёт университети, гистология, цитология
ва эмбриология кафедраси доценти.*

*Исмоилова Н.А. – Самарқанд давлат
тиббиёт университети, гистология, цитология ва
эмбриология кафедраси ассистенти*

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни босқичма - босқич амалга ошириш, илғор тажрибаларга таянган ҳолда олий таълим муассасаларида таълим сифатини, машғулот самарадорлигини оширишда таълим воситаларидан мақсадли фойдаланиш усуллари баён қилинган. Бундан ташқари таълим воситаларининг турлари, ўқув материаллари, таълим воситаларини танлаш омиллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: олий таълим, таълим воситалари, таълим воситаларини танлаш.

Таълим воситалари бу - ўқув материални кўргазмалар тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Талабаларнинг таълим олиш фаолиятини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар хил турдаги таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш қуйидагиларга боғлиқ:

- 1) мақсадни белгилаш;
- 2) асосий билим манбаига;
- 3) таълим усулига;
- 4) ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблигига;
- 5) талабаларнинг иқтидорига (1, 8, 10, 13, 16).

Таълим воситаларининг таснифи

Таълимнинг техник воситалари: диапроектор, графопроектор, доска - блокнот, доска - стент, флипчарт, видеофилмлар, ёзув тахтаси ва бошқалар.

Ёрдамчи таълим воситалари: модел муляжлар, график, диаграммалар, намуналар, чизма, схема ва бошқалар.

Ўқув услубий материаллар: иш варақаси, эслатма, назорат варағи, матнлар.

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- мақсадни белгилаш;
- ўқув ахборот мазмуни;
- таълим воситалари;
- етакчи билим манбаи;
- ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги (2, 3, 6, 9, 11, 14).

Графикли органайзерлар техникаси

Графикли органайзерлар бу - фикрий жараёнларни кўргазмани тақдим этиш воситасидир.

“Инсерт” жадвали

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади.

Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди ва олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш имкониятини яратади.

Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида тизимлаштирадиган, жадвал устунларига киритадилар ва матнда белгиланган куйидаги белгиларга мувофиқ ёзадилар (3, 4, 5, 7, 12, 15):

“В” – мен билган маълумотларга мос;

“-“ – мен билган маълумотларга зид;

“+” – мен учун янги маълумот;

“?”- мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш тўлдириш талаб этади.

Инсерт жадвали

В	+	-	?

КЛАСТЕР усули

Кластер бу - тутам, боғлам маъносини билдириб, ахборот ҳаритасини тузиш йўли, барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш мақсадида фойдаланади.


Билимларни фаолаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишни, тасаввурларни эркин ва очик ифода этишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси.

Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағига асосий сўз ёки 1 - 2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади.

Бирикма бўйича асосий сўз, унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар, йўлдошлар ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу йўлдошларда кичик йўлдошлар бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунча давом этиши мумкин. Муҳокама учун гуруҳлар ўзаро кластерлар билан алмашинадилар.

Кластер



Таълим олувчиларга эслатма.

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда янги ғоялар келмангунча қоғозда расм чизиб турунг (4, 5, 7, 15).

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа - хусусият ва муносабатларнинг муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломатдир.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш ва кўникмаларни ривожлантиради.

Таълим олувчи тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан таниш бўлмоғи зарур. Ақлий хужум / кластер тузиш / янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни тузадилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ғояларни ва маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Ёзиш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта кичик – гуруҳда тоифаларга ажратиш, бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас, бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.
4. Тоифали шарҳни яратиш якуний махсул сифатида эмас, балки жараён сифатида муҳим.

- ўрганилаётган ходиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради.

Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини-гуруҳларда концептуал жадвал курилади ва у тўлдирилади;

Вертикал бўйича – таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади.

Горизонтал бўйича – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Тоифалаш жадвали

Тоифалар			

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларни ривожлантиради.

Концептуал жадвали тузиш қоидаси билан танишиш лозим.

Таққосланадиган маълумотларни аниқлаб, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратишни ўргатадилар.

Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдириш.

- *Узунлик бўйича* таққосланиш (фикр, назариялар) жойлаштирилади;

- *Ётиги бўйича* таққосланиш учун олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

- Иш натижаларининг тақдироти ўтказилади.

Концептуал жадвал

Тушунчаларга ёндашувлар	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар			

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ – Билаган/Билишни холайман/Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Жадвални тузиш қондаси билан танишиб чиққандан сўнг, алоҳида кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадидлар (3, 4, 5, 7, 16).

“Мазву бўйича нималарни биласиз?” ва “Нимани билишни холайсиз?” деган саволларга жавоб берадилар (олдидаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2-бўлимларини тўлдирадидлар.

Маърузани тинглаш ва мустақил ўрганиб чиқиши лозим.

Мустақил / кичик гуруҳларда жадвалнинг бўлимларини тўлдириш керак.

Б/БХ/Б жадвали

Билаган	Билишни холайман	Билиб олдим

Хулоса. Шундай қилиб, олий таълим тизимида таълим сифатини ва машғулот самарадорлигини оширишда таълим воситаларини танлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақола олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган барча профессор - ўқитувчилар учун фойдали бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент. 1997 йил 29 август.
2. Авлиёкулов Н. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2008 йил.
3. Бойқўзиев Х. Х., Бобожанова Ш.Ш., Деҳқонова Н.Т., Джуракулов Б.И., Исмоилова Н.А. “Тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий биологик фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш”. Самарқанд 2019. 51 бет

4. Бобожанова Ш.Ш. Патология фанини ўқитишда интерфаол усулларни кўллаб машгулот самарадорлигини ошириш. Тошкент. 2016 йил.
5. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров Р. Инновацион технологиялар . Тошкент. 2007 йил.
6. Ишмухаммедов Р., Пардаев А., Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008 йил..
7. Махсудов С.Н. ва бошқалар . Тиббиёт таълимида замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши . Тошкент. 2016 йил.
8. Рахимов Б. Педагогик технологиялар схемаларда. Тошкент. 2009 йил.
9. Саидахмедов Н., Абдурахимов С. Педагогик технологиялар, педагогик маҳорат. Тошкент. 2010 йил.
10. Толипов О., Усмонбоева М. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2005 йил.
11. Davronova A. B., Avazova G. A., Rakhmonova Kh. N., Mukhitdinova S. M. Development of professional self-education competence of future specialists with medical education. Journal of Universal Science Research, 1(12), 139–144.
12. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Бойкузиев Ҳ.Х. Организация образовательного процесса на младших курсах медицинского института. «Личностный подход в обучении и гуманизация учебно -воспитательного процесса» межвузский Республиканский сборник научных статей Стр. 29-31. Самарканд 2013.
13. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Хамидова Ф.М. Преподавание морфологических дисциплин в медвузе сочетание традиционных и новых образовательных технологий. Материалы научно-практической конференции “Система повышения квалификации педагогических кадров в вузах Узбекистана: опыт, приоритеты и перспективы развития” 18 апрель 2018. С. 41-42.
14. Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д., Бойкузиев Ҳ.Х., Ҳамраев А.Х. Фундаментал фанларни ўқитишда горизантал ва вертикал интеграциянинг ахамияти. Сборник учебно-научнопрактической конференции “Общение с пациентом, проблемы обученич практических навыков и их решении при подготовке квалифицированных специалистов” 2018 Ташкент С. 397-398.
15. Орипов Ф.С., Дехканова Н.Т. Реализация принципов дидактики при модульной системе обучения. “Современное состояние, проблемы и перспективы медиуинского образования” международная учебно-научно-практическая конференция. Бухара 12 апреля 2018. С. 150.
16. Халимова Н.А. Ҳамраева Ю.М. Рахмонова Х.Н. Рахмонов Ф.З. Педагогическое общение в деятельности врача. Journal of Universal Science Research, 1(11), 305–315.